

Ҳаж ва Умра зиёратчиларидан менингитга эмланиш сертификати талаб қилиш бекор қилинмаган



13:40 / 12.02.2025 1289

Умра ва Ҳажга борувчилардан менингитга қарши вакцина олганлик ҳақида ҳужжат талаб қилиниши бекор қилингани йўқ, деб маълум қилди Санэпидқўмита. Тартиб ўз кучида эканини Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам Kun.uz'га тасдиқлади.

Тармоқларда Ҳаж ва Умра зиёратларига боришда менингитга қарши вакцина сертификатини сўраш талаби бекор қилингани ҳақида хабар тарқалганди. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бу хабарлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини, Саудия Арабистони Умра ва Ҳаж зиёратларига борувчилардан менингитга қарши

эмланганлик ҳужжати талаб қилишни расман бекор қилмаганини маълум қилди.

«Мамлакатимизга юқумли касалликларнинг четдан кириб келишини олдини олиш ва эпидемиологик барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида зиёратчиларни менингитга қарши эмлаш тавсия этилади», – дейилади қўмита хабарида.

Kun.uz мухбири Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан боғланиб, вазиятга ойдинлик киритди. Маълум қилинишича, Умра ва Ҳаж зиёрати учун келадиганларга менингитга қарши эмланиш – Саудия Арабистони соғлиқни сақлаш вазирлиги талаби ва у ўз кучида қолмоқда. «Диний идора томонидан лицензия асосида фаолият юритувчи турфирмалар зиёратчиларни Умрага олиб боришида эмланганлик ҳақида сертификат зарур. Бу зиёратчилар учун мажбурий талаб. Шу билан бирга қиролликка бошқа мақсадларда, сайёҳлик визалари билан киришда вакцина талаб қилинмайди», – деди элчихона расмийси.

Эслатиб ўтамиз, 2025 йил феврал ойи бошидан Умра амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига борадиган зиёратчилардан менингитга қарши эмланганлик ҳақидаги ҳужжат талаб этилиши эълон қилинганди. Бу ҳақда Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳужжат қабул қилганди.